

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕК халқининг миллий амалий санъати ўзининг бой кадимдан маълум. Халқ усталари кўндан чиққан ноёб буюмлар ҳам жойларда эъзоз топмоқда. Ана шу кўнра санъатда доир ижод намуналарини тиртиришда «Усто» бирлашмасининг хизмати катта, албатта. Бирлашма ташаббус билан ташкил этилган кўрғазмалардан бири Германияда муваффақиятли намойиш қилинди. Шунингдек, Бу мамлакатда очилган ўзбек миллий чойхонаси биноси деворларига сайқал беришда ҳам халқ усталари ўз ижодий маҳоратларини ёрқин намойиш этдилар. Бирлашманинг Австриядаги санъаткорлар билан алоқалари ҳам кучайиб бормоқда. «Асут-рай» фирмаси билан «Усто» бирлашмаси ижодий алоқа боғлаш тadbирларини кўрмоқда. Ҳар икки томон ҳамкорлигида савдо уйини очиб кўзда тутилди.

Санъат ОЛИМОВА

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА УЧРАШУВ



СУРАТДА: учрашув пайти. В. Миленький олган сурат.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, ўлкада иқтисодий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ижодий ўзгаришлар рўй бераётгани, республиканинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани, унинг обрў-эътибори ортиб бораётгани бутун дунёда қизиқиш уяғотмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат котиби Генри Киссинжернинг республикамизга келиши бунинг бир далилидир. У Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда. 7 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасида Г. Киссинжер билан учрашув бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, йирик концернлар ва уюшмалар, банкларнинг раҳбарлари, танлиқлик иқтисодчилар, ишбилармонлар, мутахассислар иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. А. Каримов учрашувни очар экан, шундай деди: — Жаноб Генри Киссинжер, сизларга таништириб ўтиришимиз ҳолати бўлмасе керак. Мен у билан биринчи марта Женевадаги анжуманда учрашганман. Генри Киссинжер маъмур форумга раислик қилган эди. Шунингдек таъкидлаш керакики, мустақил Ўзбекистонимиз илк бор мана шундай анжуманда иштирок этганди. Унда жаҳондаги барча давлатларнинг раҳбарлари қатнашган эдилар. Жаноб Киссинжер мустақил Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётди. Ўзбекистон Президентини ўлкада бунёд этилаётган демократик ҳаётда, бу йўлдаги айрим қийинчиликлар тўғрисида гапириб берди. Республикада ҳақиқат тўлиқ бир тушулган ҳосил қилиш учун бир ерда бирор мудат яшаб, рўй бераётган ўзгаришларни кўриш лозим, — деди И. А. Каримов. — Биз ҳуқуқий давлат кўрмоқдамиз. Бу энг тўғри йўлди.

Шундан кейин Ўзбекистон Президентини учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш, барча соҳаларда фойдали муносабатларни қарор топтириш, малакали мутахассисларни ётиштириш, бу бордаги АҚШ таърибига таъиниш каби масалаларга қаратди.

Г. Киссинжер Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истагини билдирди. Мех-

мон самимий ва илқ кутиб олиганини учун миннатдорлик изҳор этди.

Г. Киссинжер учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Раис Ш. Йўлдошев, республика Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги давлат котиби Р. Ражабов иштирок этдилар. Сўхбатда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги факултетада ва мухтор элиси Генри Лин Кларк ҳам қатнашди.

Генри Киссинжер шу кун Тошкент давлат университетига бориб, профессор-ўқитувчилар билан учрашди. Унга ТошДунинг Фахрий доктори дипломи топширилди.

Маълумотнома: Г. Киссинжер АҚШнинг танлиқ сўбат арбоби, Фалсафа фанлари доктори, халқаро муносабатлар соҳасида йирик мутахассис. 1969—75 йилларда АҚШ Президентининг миллий дафтарининг бўйича ёрдамчиси, 1973—77 йилларда АҚШ давлат котиби бўлган. У «Киссинжер энд Ассошиэйтс» Нью-Йорк консалтинг фирмасининг асосчиси ва раҳбаридир. Нобель мукофоти лауреати.

Т. БОТИБЕКОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БУЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ҚУШИНЛАРИ ВА ИЧКИ ҚУШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БУШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ВА МУҚОВИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ҳамда «Муқовил хизмат тўғрисида»ги Қонуналарига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ҳақиқий мудатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлмаган ҳарбий хизматчилар бўлиб қолган, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг сафларидан захирага бушатилиши.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1965—1974 йилларда тутилган ва қақриқ кўнрага 18 ёшга туладиган ҳамда қақриқ мудатни кечиртириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролари 1992 йил ноябрь-декабр ойларида ҳақиқий ҳарбий ва муқовил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари чақирини уюштириш ва ўтказиш

вақтида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ҳамда «Муқовил хизмат тўғрисида»ги Қонуналарига белгиланган талаблар қатъий бажарилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси, республика, вилоят ва шаҳар газеталарининг ҳамда журналларининг тахрирларини билан биргаликда аҳоли ўртасида Ўзбекистоннинг мустақамлаш зарурлигини тўғрисида кенг ташвиқотчилик ва ташвиқотчиликни ўтказиш, ешлар ўртасида республика иқтисоди ва мустақиллигининг ишончли қадрли бўлиш ҳуқуқини уюштириш ва фахрланниш туйғуларини ривожлантириш таъминласинлар. Шу мақсадда иқтисодлаштирилган бригадалар тузилиб, жойларда ташвиқот ишлари ўтказиш учун йоборилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси қақриқ комиссияларига фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқовил хизматга чақирини ўз вақтида, тўла-тўқис таъминлашда ёрдам берсин. Умумий ҳарбий мажбурият ва Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини мустақамлаш тўғрисидаги қонуналарининг барча ҳоқимиятлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай бажарилишини устидан қаттиқ назорат таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасини Президентининг давлат маслаҳатчиси ўртоқ Т. А. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 6 октябрь.

ҲАРБИЙ ҚИСМДА БЎЛИШДИ

СОВИР Раҳимов райондаги Максим Горький номи маданият уйи жамоаси «Она юртингиз азиз фарзанди» деб номланган адабий мусиқали композицияни томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Илк томошабинлар — Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм йиғинлари бу спектаклни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.

Ватан, мустақиллик ва тинчлик тараннум этилган дастур Тошкент шаҳри ва вилоятларида намойиш этилиши режалаштирилди.

Салоҳиддин СИРОҚИДИНОВ.



Жаҳонда муносаб бўлган Ўзбекистон Республикасининг ва халқ номидан сизларни — Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриқлайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вазифаларидан бири — ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос со-

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛАТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Жаҳонда муносаб бўлган Ўзбекистон Республикасининг ва халқ номидан сизларни — Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриқлайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вазифаларидан бири — ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос со-

линг халқаро кинофестиваль ана шундай кутлуғ анъаналардан биридир. Жаҳон халқлари маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлиш чин маънодаги саодатдир.

Ўзбекистон илм-маърифат ва санъат доҳларининг бешигини тебратган ватандир. Ал-Хоразмий, ат-Термизий, Имом Бухорий, Яссавий, Амр Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг ватани бўлган Ўзбекистон сизга кенг кучоқ очиб турибди. Сиз ҳар қадамда халқимиз меҳр-муҳаббати, санъатга бўлган эътиромининг шоҳиди бўласиз, деб ўйлайман.

Бугун Тошкентда очилаётган киноанжуман мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини янада кенгайтиришига шубҳа йўқ. Биз кино оламнинг намуналарига кучоқ очарканмиз, айни пайтда жаҳон санъати ва маданияти эшикларини бизга ҳам кенг очилаётганини ҳис қиламиз.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент жаҳоннинг буюк қитъаларини бирлаштирган киноанжуманининг доимий маркази бўлиб қолганидан

ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик руҳи абдийдир! Тошкент тинчлик ва дўстликка хизмат қилган буюк ташаббуслар ва анъаналарнинг ватани бўлиб келди ва бундан буюн ҳам шундай бўлиб қўлади.

Тошкентда навбатдаги XI халқаро кинофестиваль байроғининг баланд кўтарилиши билан сизларни яна бир бор қутлайман!

Ўзбекистон Республикасининг Президентини **Ислом КАРИМОВ**.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 8 октябрь.

МУШТАРАК ОРЗУЛАР БАЙРАМИ

Бу йил Мустақиллигимизнинг бир йиллигини тантанали қилдик. Қўшиқларимиздан еру осмон ларзага келди. Улғайимиз, жаҳондаги қудратли Ватанлар қаторида Ўзбекистон ҳам кўкрак кериб тура олишини намойиш этдик.

Бугун Ўзбекистон Республикасида яна бир улғу туй. Тошкентда Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивали очилди. Ушбу улған санъат байрами Мустақиллигимизнинг бир йиллиги байрамига ҳадо ҳанг бўлиб кетиши билан қадрланди.

Тошкентда ўн биринчи кинофестиваль қатнашчилари бўлган қирққа экин мамлакатларининг байроқлари ҳилпирламақда. Ўн биринчи марта ўнлаб кинотеатрларда замон руҳига пайванда, юксак маҳорат билан яратилган фильмларни ҳамшаҳарларимиз ҳақжон билан томоша қилдилар.

Ўн биринчи ташриф меҳмонларимиз учун биринчи ташриф десак тўғри бўлади. Чунки, озоод юртимиз ўз тарихида биринчи марта халқаро анжумани ўз бағрида ўтказмоқда. XI халқаро кинофестивалини аслида биринчи десак ҳам тўғри бўлади. Ушбу кутлуғ кино байрами эса маданият ва умимисоий қадриятлар Халқ академияси ҳомийлиги остида ўтади.

Аваллари халқаро кинофестиваллар «тинчлик, соқил тараққиёт ва халқлар озоодлиги учун» дабдалаби шори остида ўтган эди. Бугун эса унинг шори одадий, сода, ўзбекона: «Ассалому алай-

кум!». Қаерда тинчлик, тараққиёт, озоодлик бўлар экан, ўша ерда дилдан салом, ширин калом бўлади деган ҳикматнинг ифодасидир бу шор! Биринчи ва ўн биринчи кинофестиваллар жаҳонга не не буюк актёрларни очиб бермади. Биз илк навбатда ҳаргал диндор киноленталар яратиб, томошабинларга тақдир этган, меҳримизни қозongan Капулар сулоласини эътиром билан тилга оламиз. Афсуски бу йил буюк Раж Капурни кўролмаймиз. Лекин унинг сафдошлари тинчликда у ҳамини барҳат эканлигига яна бир қарра амин бўламиз.

Мисрлик ажойиб сўз устаси Абдурахмон Ал Хоминий, буюк актриса Магда Камол, сенегаллик Тереза Диоп, япониялик Акира Какура, Тосиро Мифунэ, Кобоси сингари кино юлдузлари номлари аввалги киноанжуманлар афишаларини бевазан эди...

Юлдузлар ҳеч қачон сўнмайди. Шунинг учун ҳа, юлдуз! Улар жиро этган роллар ҳамини хотирамақда, номи эса дилимизда сақланиб қолади.

XI киноанжуман ҳам ўз юлдузларини кашф этади, албатта. У Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг бирдаллиги, дўстлик туйғуларни тантанаси, муштарак орзулар байрамга айланб кетади.

Бугун биз анъанавий кинофестиваль меҳмонларига қарата:

— Хуш келибсиз, пойтахтимизга, қадрли дўстлар! Ассалому алайкум, деймиз.

Толёб САЪДУЛЛАЕВ.

* Махсус «Оқшом» учун Рандхир ва Анил КАПУР:

«ДЎСТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»



Ўзбекистон меҳмонхонасига киришингиз билан инглиз, ўра, француз ва бошқа тилларда сўзлашаётганларини эшита-сиз. Хорижий меҳмонлар орасида бирдан бизга фильмлар ва таралиш машур Раж Капурининг ўғли (фарзандлари ва не-Капурини ўзи учраб қолди. Таниқли санъатшунос Саодат Хўжаева хабарлар айдормон бўлиб қолганини сизди шекилли, «Вактин қўлдан берманг!» дегандек имо қилиб қўйди. Вактин тизилиши, ҳиндистонлик машур санъаткорнинг тўстидан олдидан чиқиб қолгани, яна бу ёндан тилдан бой таърибга эга эмаслигини туйғайди у билан бир неча дақиқа сўхбатлаш олди.

— Жаноб Раж, бу галги фестивалдан нималарни кутасиз? — Фестиваль эртага бошланади, — дея гап бошлади Рандхир Капур, — Ҳали олдидан бирор анёқ гап айтиш мумкин. Лекин, мен аминманки, бу фестивалнинг ҳам анъанави кўрақинд ва ўзбек халқлари ўртасида, унда қатнашаётган барча мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш учун хизмати каттадир. Рандхир Капур сўзини тугатиши билан мен ундан оқшомхоналар учун махсус расмага тушушини илтимос қилдим. Шу пайт омад менга иккинчи марта кулиб бокди. Қаршимда иккинчи Капур, бу гал машур сулолага мансуб бўлмаган ва бугунги кунда энг машур ҳинд кино юлдузларидан бири бўлиши Анил Капур пайдо бўлди. Жонимга оро кириб Рандхир Капурининг ўзи Анилга мурожаат қилиб бошлади: — Азимиз Анил, кел ўзбек мухлисларини учун бир расмага туша-лик!

«Сазан» қайтмасин» деб Анил Капур Рандхир Капур билан ёнма-ён тураётганда фурсатини бой бермай сўради: — Айтинг-чи, муштарак Капур, бугун ҳинд кинематографияси иккинчи Раж Капурга мўтжоз бўлмаётганми? — Назаримда умуман бугунги жаҳон кинематографияси Раж Капурга мўтжоз, — деб жавоб қайтарди Анил Капур.

Санд АЗИЗ.

СУРАТДА: кинофестивалга келган меҳмонлардан бир гуруҳи.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистон Республикасини Президентини Ислом Каримовнинг Фармони билан хўжаликлар иқтидорда қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қорақул тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят ассоциациялари ташкил этилди. Улар Республика ҳукуматининг қарорларига мувофиқ хўжаликларнинг иқтидорда қолдириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бир қисмини сотишда қолхоз-совхозларга амалий ёрдам бериш, уларни истеъмолчилар ва махсулот сотиладиган бозорини излашдак ўзларига хос бўлмаган вазифадан халос этиш, шунингдек бунда кўндан-кўн сунистемолларга кўл қўймаслик мақсадида ташкил этилмоқда.

Кеча Ўзбекистон ва Беларусь касаба уюшмалари федерациялари Тошкентда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ҳужжатда икки мустақил республика касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар манфаатларини, иқтисодий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги куч-ғайратларини бирлаштириш кўзда тутилди.

Бугунги кун нафаси

ХАМДУСТЛИКДА

Термизда «Ўзбекистоннинг истеъодли болалари мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Олмаота, Душанбе, Ашгабад, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа кўнра шаҳарлардаги илмий муассасалар олимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Марказий банки 7 октябрдан Республика ҳудудда АҚШ 1 долларининг курси 342 рубль қилиб ўрнатилганини маълум қилди.

ХОРИЖДА

Грузия Абхазиядаги вазиятни кўриб чиқиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг факултетада мажлисини чақирини сўраб мурожаат қилди.

Гулибидан Ҳикмативер қўшинлари ҳукумат қуролли қучлари билан мудофаасини ериб ўтиб, Афғонистон гарбдаги Ҳирот шаҳрини эгалладилар.

1993 йил 1 январдан Чехословакия федерацияси тугатилди. Бу мамлакат ҳуқуқон партияларининг етакчилари ана шу қарорга келдилар.

Белградда давом эвтаётган учрашувда кеча Роберт Фишер 16-йилдан қора доналарда Борис Спасский устидан галаба қозониб, ҳисобни ўз фойдасига 6:3 қилиб ўзгартирди.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

БАМАСЛАҲАТ ИШ КЎРАДИ

Яқинда ташкил этилган «Узамшхлопкоткань» концерни заводларга суяқчилик вазифини ўтамоқда.

Тоҳир Қўчқорович, концерн тузиш ишидаги ташкилотчилардан бири ҳисобланади. Концернинг асосий вазифини, мақсад ва келажаги ҳақида гапириб берамиз.

Жоним билан, ҳаммага маълумки, Ўзбекистон собиқ Иттифокнинг хом ашё базаси эди. Ўнги, пахта, пилла, қорақул тери ва шунга ўхшаш жуда кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилганлару, лекин уларни ўзида қайта ишлаш учун имконият бўлмаган.

Республикамиз раҳбариятининг асосий вазифини жойларда саноат корхоналари қуриш, келажакда дунё бозорига тайёр маҳсулотлар чиқариш билан Ўзбекистон иқтисодиётини мустақамлашдан иборат бўлиб қолди.

Утган вақт мобайнида Швейцариянинг «Ритер» фирмаси билан пахтага калавалаш учун тайёрланган машиналар етказиб беришга шартнома тузилди.


Сухбатдош Бобомурод ИМОМОВ.

НАВБАТ-УЧИНЧИ БОСҚИЧГА

Жаҳоннинг 44 мамлакатига 800 бўлимига эга бўлган Американинг йирик «Компьютерленд» фирмаси республикамизда ўзи ҳақида ўзига хос усулда хабар берди.

Мазкур олимпадага «Нурон ЛТД» фирмаси, Ўзбекистон «Ипак йўли» инновация-чиқарув банк, «Узэгроинформ» ишлаб чиқариш билан алоқадор ҳамма «Онифтех интернейшнл» корхонаси ҳам широк қўлламоқда.

СУРАТДА: мусобақадан даъва. В. Миленький сурати.



Мактаб ўқувчиларини ишга жалб қилиш мақсадида шахрининг Шайхонтоҳур районига 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати ташкил қилинган эди.

Бу йил қиш мавсумига картошка, пивэ етарли жамғарилдики! Утган йилдагидек бу маҳсулотлар мўл-кўл бўладими, тақиссиқ сезилмайдими? Мана шу саволлар ҳозир ҳаммамизни диққат-эътиборда турибди.

Лекин биргина таққослаш билан одамларни қаноатлантириб бўлмайди. Уларни кўпроқ амалий иш қизиқтиради. Шундай экан, ана олимдада ўш, шу кунгача бу маҳсулотлардан қанча жамғарилди?

Ҳозирча картошка жамғариш сусти бормоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки картошка ишлаб чиқаришда картошка қозғиш ишлари ҳали тўла қирилмаган.

15 декабрдан давом этади, — дейди бизга бирлашма расми Салоҳиддин Шохобов. — Ҳозир комбинатларимизда уш смелат иш жорий этилган. Лекин жараянда қатор муаммоларга ҳам дуч келаямиз.

тақтининг баҳоси ҳам осмонда. Кўпгина ҳамшаҳарларимизнинг бирлашма шайхонтоҳур районига қарашли улғуржи-чакана савдо корхоналари дўконларида сотилаётган маҳсулотлар нархларининг қимматлиги ҳақидаги ҳақли тазминларини эшитишга тўри келаяпти.

Очилиши айтганда, ҳозир биз учун энг масъулиятли давр. Бир томондан қиш маҳсулот жамғариш билан шуғуллансак, иккинчидан, ҳамшаҳарларимизнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур савбавот ва

меваларни бирлашма дўконларига чиқаришнинг бир зумда тўхтаётганимиз йўқ. Чунки бозор нарх-навоиси қириллаб турган паллада аҳолини ҳар қалай бироз эрзонроқ маҳсулотлар билан таъминлаб туриш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади.

— Нақадер аччиқ бўлмасин ҳақ гапни айтишга тўри келади. Бу йил мавсум бошларида сабаби маҳсулот етишмаслиги яққол сезилиб қолди. Бозорда унинг нархи 25—30 сўмга өтди. Бунинг сабаби бу йил сабаби ҳосилини йиғиб-териб олиш иши 20 кун муддатта қечикрилгандадир.

Илм маскинларида ТАНТАНАЛИ ВАЪДА БЕРИШДИ

НИЗОМИЙ номидаги Тошкент давлат муаллимлар институтининг 1-босқич талабалари билан ушбу институтни тамомлаган мутахассисларнинг навбатдаги ағъанавий учрашуви Муқимий номли мусиқали театрда бўлиб ўтди.

Учрашувда институт бошланғич методикаси факультети декани С. Валиева, ўзбек-қозоқ филологияси факультети декани, профессор Н. Маҳмудов, дефектология факультети декани, педагогика факультети доктори Л. Муминова, институт тарбиявий ишлар бўйича проректори, профессор Т. Қурбонов, дин, ҳуқуқий тарихи, этика ва эстетика кафедраси мудири, доцент С. Утановлар ҳам талабаларни қўллаб, ўқиб ва ишлариди катта ютуқлар тиладилар.

Учрашув сўнида Муқимий номидаги мусиқали театр артистлари ижросида томоша кўрсатилди.

Ланвар ХИДИРОВ.

Тошкентликларнинг қиш ризғорини ўйлаб

МЕВА-САБЗАВОТ ЕТАРЛИ БЎЛАДИМИ?

меваларни бирлашма дўконларига чиқаришнинг бир зумда тўхтаётганимиз йўқ. Чунки бозор нарх-навоиси қириллаб турган паллада аҳолини ҳар қалай бироз эрзонроқ маҳсулотлар билан таъминлаб туриш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади.

— Нақадер аччиқ бўлмасин ҳақ гапни айтишга тўри келади. Бу йил мавсум бошларида сабаби маҳсулот етишмаслиги яққол сезилиб қолди. Бозорда унинг нархи 25—30 сўмга өтди. Бунинг сабаби бу йил сабаби ҳосилини йиғиб-териб олиш иши 20 кун муддатта қечикрилгандадир.

— Яқшиларини албатта қишга олиб қолмиш. Уртанаси дўконларга тарқатилмади. Чирганларини крахмал цехига жўнатишди. Вагон эшиги очилгани билан сара картошкалар ерга сочилиди.

— Ҳозирча 50 тонна бодринг, 8 тонна помидор тузланди, — дейди цех бошлиғи Ботир Қаримов. — Бу ишда Николай Захарьян, Зулфия Юнусова ва Эльмира Исмагулиевлар намуна кўрсатишмоқда.

— Олма туларни бўйича яқшиларга жойлашиб, хоналарга киритилаяпти. У бу ерда маълум ҳароратда асраляди. Шундай қилиб ҳозирча баҳорга етаргани миқдорда олма жойланади.

— Бундан кейинги кунларда мавсумнинг энг сариқ вақти бўлади. Бу йилда мавсумнинг энг сариқ вақти бўлади. Бу йилда мавсумнинг энг сариқ вақти бўлади.

ҲОЗИР айни пишиқчилик, бозорда ҳамма нарса сероб, аммо нархи баланд. 1 килограмм помидор 10—15 сўм, бодринг 20 сўм, узум 30—35 сўм, шафтоли 30—35 сўм, олма 35—40 сўм, нок 40—50 сўм ва ҳоказо.

риб ачиниб кетаман. Тўри, ўша ерларга осмонлар иморатлар солинди, обод қилинди. Аммо жар ёқаларида сақланган қолиши мумкин бўлган кучоққа сиймайдиган ёнғи, ўрик, нок каби нодир дарахтлар кесиб ташланган, ўринга қурилшдан чиққан чиқиндилар (бетон қолдиқлари, темир-терсақлар ва қозғол парчалари) ташланган хараба холга келтириб қўйилган.

Шахсий фикр ҚАНИ ЎША БОҒЛАР?

Мен ҳар кун (70 дан ошган бувим шаҳар ҳовлида тургенликлар учун) у кишига боғдан мева ва оғак олиб келардим. Яна эрта билан боққа жўнардим. Калқовуддан ағариб чиққан бир тегириком сува Сағбон қўчасидан ўтиб, Чинбой боғларини оралаб Хотинқўриққача тиниқ оқиб борардим.

Бундай аҳолини пойтахтининг фақат Собир Раҳимов районинда эмас, балки шахарнинг бошқа жойларида ҳам учратиш мумкин. Хўш, бу ҳуқуқ манзарадан қачон қутуламиз?

Ҳаммадулла ЙУЛДОШЕВ.

ШАҲРИНИЗДА яхши одамлар кўп. Унинг бутун қалб қўрғини инсонларга бахшида этган, улар меҳр-оқибатини қозонган, Ватани ва жаҳонга янги яшайдиган ҳам-шаҳарларимиздан бири Азиз ака Тожиевдир. Олий даражада фарзандлар профессор даражасига кўтарилган бу инсоннинг ўз номига яраша халқимизда иккидан қадр топиб, эъзозлангани бежиз эмас. Падира бузуқворни бежиз бўлишига қарамай диннинг қадрига етган, ўқиниши ва жуда саводхон киши эди. Бухорода мадрасани тамомлаб, араб ва форс тилларини мукамал ўрганади. Илмий ва диний китобларни мутулаа қилиб, дусту ёронларни қариндош-уруғларига тақриб беради. Эски шаҳар маҳаллаларида яшовчи ёшлар орасида эи тарқатиш, уларни маданиятга, ўқиниши бўлишлари учун чин кўнгилдан жон куйдиради. Ана шундай меҳри даре кишининг фарзанди бўлган Азиз ака ҳам ёшлигиданоқ илмга ҳавас қўйди, ҳар нарсага қизиқувчан бўлди, ғанимай мутулаа қилди. У урта мактабни тугатиб Урта Осиё давлат университети (хозирги ТошДУ) киём факультетига ўқишга кириди. 1937 йили дорилфунунинг аъло баҳолар билан тамомлаб илмий иш ва педагогик билан шуғулланади. Улуғ Ватан уруши бошлангани билан фронтга жўнайдди. Шунда унинг отаси фарзандига фотога бериб, Ватанини ҳимоя қилиш ҳар би инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини уқдиради, жанглардан омон-эсон қайтиши учун оқ йўл тилади. Буни қарангки, ота дусту уни оловли жангдошларда мисли қалон асради. Ватанини мард ўғлини сифатида кўпгина шаҳар, қишлоқлар, шунингдек, Польша, Чехословакия турупларини ёлдан овоз қилишида ўз ҳиссасини қўшди. Берлини ишғол қилган жангчиларимиз орасида мардондор курашди. Урушдан бир қанча орден, медаллар ва Олий Бош Қўмондоннинг ташаккурномасини олиб қайтар экан, ота дустунинг кучини седи. «Ол-

тин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?» деган халқ нақлининг мазмунини нақадар улуғ эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Урушдан она шаҳрига қайтар экан у барча қатори мамлакатда уруш асоратларини тугатиш учун бел боғлайди. Халқ ҳўжалигини кўтариш учун эса ўша вақтда биринчи навбатда малакали ёшларни тарбиялаш лозим эди. Уни Мирза-

қайтади, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Киём институтига ишга кириди. Кичик илмий ходим сифатида фаолият кўрсатиб номзодлик диссертациясини ёқлайди. Унинг чуқур илмий изланишлари нисбатан давом этдиран Азиз Тожиев 1970 йили докторлик диссертациясини муваффақиятлик ҳимоя қилди. Унинг изланишлари қаттиқ ёқилгидан, жумладан кўмир ва



*** Ҳамшаҳарларимиз ЭЛНИНГ ЎЗИ КЎТАРАДИ**

чўл райони маориф бўлимига раҳбар сифатида ишга юборишди. Азиз ака бир неча йил давомида район мактаблари ишини йўлга қўйди, чўли овод қилиш, қарбга етган ерларни гулистонга айлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Чўлуқуварларга ўз ҳиссасини ангилликларидан маърузалар ўқийди, техника ангилликларидан деҳқонларни баҳордор қилади, тиниб-тинчимайди.

унинг маҳсулотларидан халқ ҳўжалигининг турли жаҳалларига самарали фойдаланишга қаратилган эди. Қўмирдан ароматик кислоталар, ўсимлик учун стимуляторлар, саноатга зарур адсорбентлар, нон алмаштиригич қатронлар ҳамда елимсион полимер моддалар яратиш устида кўп изланди. Булар билан бир қаторда олий малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият берди. Олим раҳбарлигида кўпгина фан номзодлари етишиб чиқди. Унинг 120 дан ортиқ илмий мақолалари марказий журналлар, чет эл матбуо-

тида, халқаро анжуманлар илмий тўпламларида нашр қилинди. Муаллифлик гувоҳномалари амалиётга тадбиқ этиш учун тақлиф қилинди, турли кўргазмаларда, жумладан Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча марта лауреат номи билан қилинди. Олим яратган янги маҳсулотлар халқ ҳўжалигида қўлланилишидан кўп вақт давомида Андижон гидролиз заводида йилига беш юз минг сўмдан фойда олиниб турилди. Нитролиннинг деб ном олган ўғит қишлоқ ҳўжалиги учун беиҳоя аҳамиятлик бўлди.

Азиз ака яқинда нафақага чиқди, аммо тинчимас қалб эгаси бўлгани учун уйда ўтира олмади. Олим ўз қадрдон илм даргоҳида ва Тошкент киём-технология институтини қўриқиб билан ҳамкорликда ифлосланган саноат сувларини тозалаш ҳамда бошқа экологик масалалар устида изланишларини давом эттирмади. Сув тозалашда қўлланиладиган реагентлар синтези, технологик жараёнини тақомиллаштириш ҳам у киши наздидадир.

Азиз ака катта бир оиланинг бошлиғи ҳамдир. Фарзандларини орасида фан номзодлари, муҳандислар, шифокорлар, илмий ходимлар бор. Фарзандлар ота-она ҳурмати билан қўйдиган, ўзаро аҳил, бир-бирларига ўта меҳрибон инсонлардир. Бунда ҳам Азиз аканинг оила тарбиясида тугган катта ўрни, бебаҳо ўғитлари кўриниб турибди.

Ута камтарин, содда, кишиларга гамхўр, яқинларига меҳрибон бўлган Азиз аканинг ҳаёт йўли кўпчиликлари намуна бўла олади. Шунинг учун ҳам республикамиз киёмегарлари олимни жуда эъзозлаб ҳўрмат қиладилар. Бинобарин сен халқ учун, унинг равнақи ва юрт тараққиёти учун борлигининг маънавияти эътибор элининг ўзи сени кўтарар экан. Буни Азиз ака тимсоқда яққол кўриш мумкин.

Қудрат АҲМЕРОВ,
киём фанлари доктори,
профессор.

ТИЖОРAT ЖАБАРАРИ ВА ЭЪЛОHLAP

МАИШИЯ ЖИҲOЗ ИЖАРА КОРХОНАСИ
20 ва ундан катта ёшдаги йигитларини 2 ойлик ўқув курсларига кўйидаги касбларни эгаллаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- Дурадгорлар — 25 киши
- тоқарлар — 5 киши
- газ-электрпайвандловчилар — 5 киши
- чилангарлар — 5 киши

Уқиш давомида 1000 сўмдан стипендия тўланади. 50 фонд қўшимча ишлов чиқариш молларининг сотилишига қараб иккинчи ойнинг бошидан бошлаб тўлов жорий этилади. Уқиш дарслари гуруҳлар тўлишига қараб бошланади. Арзизлар 1992 йил 1 ноябргача қабул қилинади. Мурожат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов району, Қорасарой кўчаси, 282-а уй, 42, 43, 93, 85, 10-автотўқимачиларнинг «Раисполком» бекети. Телефонлар: 48-79-31; 48-64-35.

СОТИЛАДИ

● Гиштдан қурилган планли уй сотилади. Россиядаги уйларга алмаштиришим ҳам мумкин. Телефон: 67-61-13.

Томат-паста, қоплар ва ТПП кабеллини сотиб оламиз.

Тошкент шаҳридаги ташкилотда ишлаш учун котибана керак.

Юқоридаги барча масалалар юзасидан Москва шаҳрига (095) 432-04-41 телефонига мурожат қилинг.

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ЯШАЙДИГАН ИГИРУВЧИ, ТУҚУВИ, РАЙЛИСТ, ПАРДОЗЛОВЧИЛАРНИ, ҚАЙТА УРАШ, ПИЛИКЛАШ, ПИШИТИШ, МАШИНАЛАРНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИНИ ҲАМДА ТОКАРНИ, ФРЕЗЕРЧИЛАРНИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲўРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Агарда корхонамизга шогирд сифатида ишга кирсангиз, мана шу нуфузли ва юқори иш ҳақи тўланадиган касбларга эга бўласиз.

Янқа тартибда ўқиш муддати — 3 ойдан 6 ойгача. ўқиш давридаги ойлик маош 1000 сўмдан 2500 сўмгача. ўқиш тугаллагандан сўнг ишбай ҳақи тўланади. Ойлик маош 3000 сўмдан 7000 сўмгача. Комбинатнинг ҳар бир ишчисини тушлик учун ҳар кунига қўшимча 15 сўмдан олади.

Туқимачиларнинг болалар боғчаларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўла қондирилади. Бирлашма ўзининг тиббиёт-санитария қисми, поликлиникаси, сичатгоҳи, Тошкент денгизи бўйида оромгоҳи, кашшофлар оромгоҳи, «Туқимачи» спорт мажмуи ва Маданият саройига эга.

Бўлималардаги ошхоналар, мевасазоват ва озиқ-овнат дўконлари, буғ-ҳаммомлари, пардоз-андоз хоналари ва сартарошхоналар билан жиҳозланган маиший мажмуаларининг ҳаммаси ишчилар хизматига бағлиқ бўлади.

Бирлашмада тақриб саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилинади.

Шаҳсий ўй-ной ва боғ участкаси қуриш учун ер олишга қулай имкониятлар маъмул.

Агарда сиз шаҳар ташқиратида турсангиз, сизни ишга ва ишдан сўнг уйингизга хизмат автобуси олиб боради.

Корхонамиз қўйидаги районларга хизмат автобусларининг доимий маршрутларини ташкил қилган: Юқори Чирчиқ, Чилноқ, Янгиўй, Урта Чирчиқ.

Агар меҳнатингизга яраша иш ҳақи, қайд этилган қулай маиший имкониятларга эга бўлишни хоҳласангиз, Сизни Қўшбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган расмийлаштириш бўлимида кутамиз. (33, 34, 45, 69, 79, 182-автотўқимачилар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Туқимачилик комбинати» бекети).

ТЕЛЕФОНЛАР: 53-97-09, 53-18-72, 53-97-05, 53-23-93.

Ижарадаги «Тошкент туқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«ЭЛЕКТРОНИКА»

Тошкентдаги «ЭЛЕКТРОНИКА» фирмали дўкон-салони

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Чет эл телекўрсатувларининг беш каналини қабул қилиш имконини берувчи «КРОСА» йўлдошли телевидение антеннасини.

Урнатилган ишларини «Кросна» мутахассислари бажарадилар. Баҳои 98280 сўм.

«Чайка» 51 Ц31 ОД4 ранглик телевизорлари. Баҳои — 14741 сўм.

Мурабба техника нақд пулда ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан сотилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

ТЕЛЕФОН: 33-89-12.

Х. З. КАЛОНОВ НОМИДАГИ ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

«Программист» ва «Хусусий ЭХМ оператори» ихтисослари бўйича кечки бўлимга

ҚАБУЛ ЭЪЛОНИ ҚИЛАДИ

Урта маълумотли шахслар, шунингдек, 11-синфларнинг ўқувчилари қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади. Маълумотлар 1 ноябрда бошланади.

Ўқиш пулли, нақд пул билан ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Хушида кўчаси, 45-уй (10, 44, 85, 88-автотўқимачиларнинг «Семашко» номи шифохона» бекети).

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-55-73, 34-55-52.

ТАШКИЛОТ АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ

СОТУВАГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

- «Элдис-1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳларини;
- автомобиллар учун кўтаргичлар;
- гилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;
- шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш;
- электр вулканизатор ва бошқа мосламалар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700099. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.

ТЕАТР

А. НАВОНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/Х да Тумарис, 10/Х да Евгений Онегин, 11/Х да Золушка (14.30 да), Нолат (20.00 да).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/Х да Афанасий беш хотин, 10/Х да Ер Ёнганда, 11/Х да Наҳот истаб.

Тошкент давлат ширкида — Лилипутлар ширки (8, 9/Х да 18.00 да; 10/Х да 14 ва 17.00 да; 11/Х да 13, 16.00 да)

Станок балансировочный «eldis-1200»

Тошкент «Металлобтримонт» бош корхонаси жамоаси кесас ходими, цех бошлиғи

Ўтаган Шорасуловчи ИБРОҲИМОВнинг вафот этганининг чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нэхор қилади.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТДАГИ «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш», «Ўзбекхлопкомаш», трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Таштекстильмаш», мотор ва экскаватор заводларида, фуқаро авиациясининг 243-заводи ва «Иргидромаш» корхоналарида пахта териш машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, тракторлар, прицеплар, экскаваторлар, дизель қурilmалар, пахта тозалаш заводаларига ускуналар, туқимачилик саноати машиналари, ҳар хил қранлар, гидроминшоотлар учун жиҳозлар, сув саклайдиган идишлар, бир қанча турдаги халқ истеъмолчи маҳсулотлари ва яна турли-туман буюмлар ишлаб чиқарилади. Бирок айни шу ташкилотлар шаҳарда тоза ҳаво кушандаси бўлиб қолмақда.

Доимий чиқиндилар манбаи бўлган ўрта корхона ўтган йили текшириб қўрилганда улардан чиққан чиқинди йилига 10153,29 тонна, яъни пойтахтни захарлаётган чиқиндиларнинг 30 фоизи улардан тарқабган экан.

Текширува шуни кўрсатадики, юқоридаги корхоналар томонидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўриладиган тадбирлар дастури қабул қилинган, уларни амалга оширишда ажратилган маблағдан салмоқли қисми харажат ҳам қилинган. Бу харажат туфайли амалга оширилган тадбирлар билан ўтган йили атмосферага 559,61 тонна зарarli чиқиндиларнинг тарқалишига чек қўйилган.

Масалан, Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида болгайдиган қолипларни ишлаб чиқаришда кам чиқинди чиқарадиган янги технология ҳамда ёғочларни дастгоҳларда қайта ишлаш ўрнига фанердан қолпиде ишлаш йўли билан эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ана шу икки технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан 3,5 тонна чиқиндини табиятга сочсининг олди олинди.

Бу йил «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида автомобиль юзи қурilmаси қайта тозалаш ва суви қайта ишлаши дастгоҳи билан ишга туширилди. «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида оқова сувлардаги нефть маҳсулотларини ажратиб олиш қурilmаси устида иш олиб борилмоқда, яна қириндиларнинг таркибидеги мой маҳсулотларини тозалаб оладиган утил базадаги нефть маҳсулотларини йиғиб оладиган асбобларни замонавийлаштириш ишлари кетаяпти. Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида газ билан қирқиб ишлари плазматик қирқиб иш билан алмаштирилди. Шундай фойдали ва зарарсиз технологияни жорий қилиш яна бир қанча корхоналарда ҳам амалга оширилади. Тошкент трактор заводи, самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», «Ўзбекхлопкомаш», «Иргидромаш» каби корхоналарда назорат олиб борилганда табиатни асраш бўйича кўриладиган тадбирлар дастурида табиат мусофаллиги бўйича тарғибот ишлари, бу ишда жон куйдираётганларга замонавий фаннинг ютуқлари ва табиатни муҳофаза қилишдаги илгор тадбирлар ахбороти етказилиши масалалари кў-

рилган. Бу корхоналарнинг раҳбарлари, табиатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ва мутахассислари ишчи ва хизматчиларда табиатни муҳофаза бўйича дунёқараш пайдо бўлишида беэосита иштирок этмоқдалар. Кўп нухсал газеталарда, корхоналар радиоларида, мажлисларда экологик аҳолининг корхонадаги ва унинг ён атрофидеги аҳоли чуқур тахлил билан ўрганилиб «Ахборот куналари» ташкил қилинмоқда, қўриладиган чораларни амалда мукамаллаштирмоқдалар. Масалан, самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги «Тошкент самолётсозси» деган

*** Табиат—ҳаёт чаишмаси**

ТОЗА ҲАВО КУШАНДАЛАРИ

газетада 1991—92 йиллар давомида метронинг Чкалов бекатида табиатни муҳофаза қилиш ҳаётининг ишлари мунтазам бериб борилган.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кўп тиражли газетада ҳар ойда завод ҳудудида табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотлар эълон қилинади. «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш» ва «Таштекстильмаш» заводлари радио тўқиниларида табиатни муҳофаза қилиш хизмати бошлиғи ва заводнинг бош энергетиклари мунтазам равишда тарғибот ишлари билан чиқадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни яхшилашдаги тарғибот ишларида самолётсозлик ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги газета ва журналларини мунтазам оладиган, панно ва деворий қўлланмалар, экология бўйича кўргазмалар тайёрлайдиган техник қўлланмалар кутубхоналари ва техник ахборотлар бюроларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Аммо табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини жойларда текшириш шуни кўрсатадики, баъзи бир корхоналарнинг шу соҳада кўраётган тадбирларини оммалаштириш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий этиш ҳали кўнгилдагидек эмас. Айниқса ишчи ва хизматчиларда табиатни муҳофаза қилиш дунёқарашининг шаклланиши жуда суст, ишчи ва хизматчи-

лар энг одади экологик меъёр ва талабларга риоя қилмайдилар. Оқибатда нефть маҳсулотларининг оқова сувларига қўйилиш, яшил ўсимликларнинг озор чекиши, ишлаб чиқаришдаги кува жараёнида она ернинг захарланиши каби кўнгилсиз ҳолатлар кузатилади.

Юқоридеги текширилган корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари соғлиги ва ишга вақтинча ноқобилигини 1991—92 йиллар оралиғи текширилганда юрак-қон томирлари (7—12 фоиз) ва ўпка (8—12 фоиз) касаллиги юқорилиги аниқланди. Сил, нафас олиш йўллари, асб касалликлари, ошқозон ва ўн икки бармоқлик ичакларининг алгилалиши, буйрак ва жигра касалликлари меъридан ортиқчилиги ҳам маълум бўлди. Шу йиллар мобайнида «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш» ва трактор заводи каби корхоналарда касб хасталиғига дучор бўлиш ҳолатлари ҳам қайд этилди.

Тошкент трактор заводи ва самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги тадбирчи юқоридега номи энгр этилган корхоналарнинг чиқим системасида табиат маълумотлари ва тарбияга, шунингдек экологик бўлимлар ташкилотига маблағ ажратилмаган. Бундай чиқимлар муҳаббатсизлар техник маълумот бериш сметоаси ҳисобидан ўндирилган, «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Ўзбекхлопкомаш» каби корхоналарда, фуқаро авиациясининг 243-заводи, «Иргидромаш», мотор ва экскаватор заводларида касбларга ўргатиш ва тадбирчаларни ошириш дастурларида табиатни муҳофаза қилиш йўлида берилмаган маълумотлар учун маблағ ажратилмаган.

Текшириш чоғида Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасидан бошқа ҳамма корхоналарда табиатни муҳофаза қилишни ташкилот қилмайдиган қўлланмалар оқилмаган, бу ҳол шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг бу корхоналар билан ҳамкорлиги сустлигидан, бу соҳадаги тадбирчи мутахассисларнинг ёрдам кўрсатмаётганидан дарак беради.

Мотор заводида, «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Иргидромаш», фуқаро авиациясининг 243-заводида кейинги вақтларда экологик масалаларда маърузалар ташкил қилинмаган, учрашувлар, савол-жавоблар, мутахассис ва эколог оқиллар билан сўхбатлар уюштирилмаган. Бинобарин, худди шу меҳнат жамоаларида экологик маданият даражаси паст. Бу муаммоларда илмий-техник жамиятларининг, рационализация ва иктирочлик кенгашининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёрдами сезилмаптир.

Муборак ХОНХУЖАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг бўлим бошлиғи.

Суннат АЗЛАРОВ,
«Тошкент оқшоми» муҳбири.

*** Библи қўйган яхши ИССИҚ МИЖОЗЛИЛАРГА**

ГУШТНИНГ арабча номи «лаҳм», форсча «гўшти» ва ҳиндча номи «мос»дир. Олти ойдан кам ва бир йшдан ортиқ бўлмаган эчки ва қўй гўштлири этларнинг яхшисидир. Кенг яйловда эркин ўтлайдиган ҳайвон гўшти боғлаб боқилмайдигандан афзал ва яхшидир. Еввойи ҳайвонларнинг гўшти тоникашлаганидан мазали бўлади.

Қуруқ-иссиқ миқозли гўштлирини зарарсизлантириш тадбири сирқа, гўр узум суви ва ёғ билан амалга оширилади. Ҳўл-иссиқ гўштада эса кашини, сумоқ ва бошқалар асқотади. Теркибида пай бўлмайдиган гўштлир, масалан, кўкрак гўштлири ҳамда тил ширини ва тез ҳазм бўлади. Қулон гўшти учинчи даражада қуруқ-иссиқ, тез ҳазм бўлади ва тўқ тутайди.

Қув гўшти қуруқ-иссиқ бўлиб, қовуриб ейилса, ўпка ярасига қарши фойда қилади. Сигир гўшти тўқ тутувчидир. Еш сигир гўшти тез ҳазм бўлади. Энгр яхшиси гунажини гўштидир.

Мол гўштини пишириш учун қайнатилмайдиган вақтда озгина қовун пустидан ташлаб юборилса яхши пишади. Совлиқ қўйини, тоза қон ҳосил қилувчидир. Бўталоқ (туя боласининг) гўшти кучли қуруқ-иссиқликдир. У оғир ва кучли жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларга ва кўйимч оғиринга мубалоа бўлган кишиларга фойдали. От гўшти ҳам туя гўшти каби. У оғир жисмоний меҳнат қилувчиларга наф қилади.

Уртача катталиқдаги, масалан, товуққа тенг келадиган қўшлардан, чунинчи, каклик, қирғовул, дурроғи ҳамда бошқаларнинг гўштлиридан уларга нисбатан кичик бўлган қўшлар гўшти афзал. Еввойи қўшларнинг гўшти тоник қўшлар гўшти қараганда ширин бўлади. Еввойи қўшларга юқоридега санаб ўтганларимиз, хоналикларига эса жўжа товуқлар кириди. Тўпловчи: Маҳкам ҲАКИМОВ.

Равиль Альбеков фотоларҳаси.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босмаохаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.40. © Бюролма Г—345 ■ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10